



УЙ-ЖОЙДА СОДИР ЭТИЛГАН ЎҒРИЛИК ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН АСОСИЙ МУАММОЛАР ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Турдиев Сарвар Илхомович*

Фарғона вилояти Қува тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси

Аннотация: Мазкур мақолада уй-жойда содир этилган ўғрилик жиноятлари бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари кўриб чиқилган. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда юзага келадиган асосий муаммолар ва қийинчиликлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: уй-жой, ўғрилик, ҳодиса содир бўлган жой, кўздан кечириш, баённома.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгандан сўнг, ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш тараққиётнинг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим [1].

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас [2].

Ўзганинг мулкига қилинган ҳар қандай тажовуз қонунда кўрсатилган тарзда жавобгарликка тортишга асос бўлади. Шундай бўлсада, Республикада йилдан йилга ўзгаларнинг мулкига қаратилган жиноятлар, айниқса, ўғрилик жиноятлари ошиб бормоқда. Буни биз 2020 йилда Республикада 8.164 та ўғрилик жинояти рўйхатга олинган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 19.732 тани, 2022 йилда эса 15.237 тани ташкил этганлигидан ҳам кўришимиз мумкин [3].

Содир этиладиган ўғрилик жиноятларини таҳлили, ушбу турдаги жиноятларнинг асосий қисмини уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғрилик жиноятлари ташкил этишини кўрсатди.

Уй-жойда содир этиладиган ўғрилик ушбу жиноятнинг бошқа турларидан фош этишнинг имкониятлари кенглиги, айниқса, ҳодиса содир бўлган жойнинг ўзида кўплаб маълумотлар олиш мумкинлиги билан ажралиб туради.

* Фарғона вилояти Қува тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси



Уй-жойда содир этиладиган ўғрилик бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан номоён бўлади:

биринчидан, уй-жойда содир этиладиган ўғрилик бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш терговчи томонидан моддий объектларни бевосита ўрганишдир. Бу терговчига жиноят белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш, жиноятчи ҳаракатларининг изларини топиш, жиноят қуролларини аниқлаш, жиноятчининг ҳаракатлари натижасида юзага келган ҳолат ўзгаришларини ўрганиш, ўз тахминларини тузиш ва текшириб қўриш имконини беради;

иккинчидан, уй-жойда содир этиладиган ўғрилик бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ўрганиладиган моддий объектларнинг доираси хилма-хил бўлиб, тергов қилинаётган ўғриликнинг ўзига хос хусусиятларига ва у содир бўлган вазиятга боғлиқ. Ушбу объектларни ўрганиш жиноятни фош қилиш учун муҳим бўлиши мумкин бўлган шахслар, объектлар, ҳодисалар ўртасида алоқадорликни аниқлашга имкон беради;

учинчидан, терговчига ҳодиса содир бўлган жойдаги вазиятни қасддан ўзгартирганлигини, жиноят излари ўзгартирганлиги ёки шикастланганлигини кўрсатадиган белгиларни тўғридан-тўғри идрок этиш, жиноятни яшириш учун ниқобланганлигини, ўғрининг терговга қаршилик кўрсатишини, унинг психологик хусусиятлари ва уларни ифодалаш шаклларини баҳолаш имконини беради [4].

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда олинган маълумотлар уй-жойда содир этилган ўғрилик жиноятларини тергов қилишда муҳим рол ўйнайди. Тўлиқ ва тўғри ўтказилган кўздан кечириш натижасида олинган маълумотлар тергов тусмолларини илгари суриш учун асос бўлиб, терговнинг кейинги йўналишини белгилайди. Бироқ амалиётда терговчилар ушбу турдаги жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришда кўпинча қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйишади. Ўз навбатида бу нотўғри тусмоллар илгари сурилишига олиб келади. Натижада жиноятлар очилмай қолади ёки жиноятни содир этган шахс аниқланган тақдирда унинг айбини исботлашни қийинлаштиради.

Уй-жойда содир этилган ўғрилик жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдаги муаммолардан бири, терговчи томонидан баённомада номи, материали ва мақсади аниқ бўлмаган турли хил объектларнинг номини қайд қилинишидир. Зеро, баённома тузишда тегишли экспертиза тайинлаб хулоса олмасдан туриб нима эканлигини аниқлаб бўлмайдиган “олтин”, “қон” ва бошқа шу каби объектларни айнан номланишини қайд этмаслик лозим. Баённомада бундай объектларни “қонга ўхшаш доғлар” ёки “олтинга ўхшаш металл” деб кўрсатиш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда юзага келадиган яна бир муаммо, объектлар аниқланадиган жойидан олиб ташланиши ёки кўчирилиши



мумкин бўлмасада, ҳар доим ҳам бунга амал қилинмайди. Бундай вазиятда баённомада фақат жиноят иши учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган ва терговчи шахсан кўрадиган (ва тахмин қила олмайдиган) нарса тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Қолаверса, кўзғалмас нарсанинг бу хусусиятини (белгисини) фақат терговчининг ўзи кўриши етарли эмас. Ушбу нарсани ва унинг белгиларини тергов ҳаракатида иштирок этувчи холислар ва бошқа шахслар ҳам кўришлари керак.

Бундан ташқари, ҳодиса жойини кўздан кечиришда жиноят содир этиш вақти ва усули, жиноятчининг воқеа жойидаги ҳаракатлари, жиноят оқибатлари, жиноятчининг ҳаракатлари ва оқибатлари ўртасида сабабий боғлиқлик мавжудлиги, шунингдек, бошқа ҳолатлар тўғрисидаги ҳолатларни қайд этишга йўл қўйилмайди.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг тўлиқлиги ва ҳар томонламалиги ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда, биринчи навбатда, криминалистика соҳасида мутахассисларнинг иштирокига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг талабларига риоя қилиш далилларнинг ишончилиги ва мақбуллигини таъминлашнинг энг муҳим воситасидир. Аниқланган ашёларни процессуал тартибга амал қилган ҳолда олиш ва қайд этиш катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, баъзида нарсаларни олишда, кийимни қуритиш ёки тозалаш, қулфни очиш ва ҳоказоларда қийинчиликлар мавжуд. Шу билан бирга, қадоқнинг яхлитлигини бузмаган ҳолда далилларни олиш, кўриш ва бошқа ҳаракатларни содир этиш имконини берувчи объектнинг нотўғри қадоқланиши келажакдаги ашёвий далилларнинг ҳақиқийлигига шубҳа қилиш учун асосдир. Шунинг учун агар терговчи бирон-бир ҳаракатни баённомада акс эттирмасдан амалга оширсин ва бу суд муҳокамаси давомида аниқланса, у ҳолда иш бўйича қарор қабул қилишда тўпланган далилларни номақбул деб топиш учун асослар пайдо бўлади [5].

Уй-жойда содир этилган ўғрилиқ жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришнинг энг катта муаммоси терговчиларнинг ушбу тергов ҳаракатларига бўлган муносабатидир. Баъзи терговчилар бундай турдаги жиноятларни тергов қилишда ҳодиса жойини текшириш фақат мураккаб ҳолатларда пухта ва кенг қамровли бўлиши керак деган фикрни билдирадilar ва фақат шу ҳоллардагина криминалистика ускуналари ва мутахассисларнинг ёрдамидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Ушбу нуқтаи назар қонунга зиддир, чунки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига ҳар қандай тоифадаги ишлар бўйича тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиби кўзда тутилмаган. Бундан ташқари, муайян бир ишни тергов қилишда исбот қилиш қийин ёки осонлигини олдиндан айтиш иложсиз. Биз бундай қарашларга қўшила олмаймиз. Маълумки, баъзи ҳолларда жабрланувчилар дастлабки кўрсатувларини сезиларли даражада ўзгартирадilar ёки турли баҳоналар



билан уларни рад этадилар. Бундай ҳолларда, объектив далилларсиз, иш бўйича ҳақиқатини аниқлаш қийин.

Б.Т. Безлепкининг таҳлилича, уй-жойларда содир этиладиган ўғрилиқ жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан кўздан кечиришда бевосита қатнашаётган иштирокчилар ўртасида ишларнинг тўғри тақсимланишига боғлиқ [6].

Шуни ёдда тутиш керакки, уй-жойларда содир этиладиган ўғрилиқ жиноятларини тергов қилишдаги салбий асоратлар кўпинча тўлиқ ўтказилмаган кўздан кечириш билан боғлиқ, масалан, атрофдаги ҳудуд кўздан кечирилмаганлиги натижасида зарур криминалистик маълумотларнинг қисқаришига олиб келади [7].

Кўздан кечиришнинг юзаки бўлиши, муҳим далилларнинг йўқолиши бармоқ ва қўл кафти, пойабзал, бузиш қуроллари ва асбоблари, микрообъектлар изларини аниқлаш ва қайд қилишда техник-криминалистик воситалари ҳамда усулларида паст даражада фойдаланилганлиги билан ҳам боғлиқ. Ўғрилиқ жиноятларини фош этиш ва тергов қилишда техник-криминалистик воситалар ва усулларнинг амалиётга сушт жорий этилганлиги ушбу жиноятларни кўп ҳолларда фош этилмасдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Уй-жойда содир этилган ўғрилиқ жиноятлари бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида фотографиядан фойдаланиш кўздан кечириш баённомасининг субъективлигини ва идрок этишдаги камчиликларни қоплаш учун мўлжалланган, аммо фотожадвал мустақил далил қийматига эга эмас. Фотосуратга олишга оид криминалистик қоидалари ихтиёрий маслаҳат характерига эга бўлиб, фототехниканинг техник параметрларига, фотосуратларнинг сифати ва миқдорига, ҳатто криминалистик адабиётларида ҳам талаблар кўрстаиб ўтилмаган. Жиноят ишлари материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳодиса жойини кўздан кечиришда мутахассислар томонидан қўлланиладиган фотоаппарат ҳаваскорлар синфига тегишли бўлиб, кўпинча фотосуратларнинг керакли сифатини таъминламайди. Расмлар одатда оддий лазер принтерда қора ва оқ рангда чоп этилади, бу эса тасвир сифатини янада ёмонлаштиради. Электрон сақлаш воситалари фотосуратлар жадвалларига бириктирилмайди, бунинг натижасида фотосуратларнинг тўғрилигини текшириш ёки ҳеч бўлмаганда уларни компьютер технологиясидан фойдаланган ҳолда сифатли тарзда кўриш имконияти мавжуд бўлмайди. Ушбу юзасидан бир неча ўнлаб жиноят иши ҳужжатлари ўрганилганида, уларда мавжуд бўлган фотожадвалларнинг барчаси оқ-қора рангда сифатсиз босилганлиги ва уларда суратга олинган объектларни амалда ажратиб бўлмаслиги аниқлангани ҳам юқоридаги мулоҳазаларимизни қанчалик ҳақиқат эканлигини тасдиқлади.



Аксарият ҳолларда эксперт бўлинмалари эксперт-криминалистрлари зарур техник воситалар профессионал камералар, махсус шароитларда суратга олиш қурилмалари, фотопринтерлар, шунингдек, сарф материаллари йўқлигини таъкидлайдилар. Шунинг учун ҳам айрим жиноят иши материалларида фотожадвал ўрнига эксперт-криминалистнинг фотожадвални чоп этишнинг техник имконияти бўлмаганлиги ёки хотира картаси куйиб ёки формат бўлиб кетганлиги ҳақидаги маълумотномасини топишингиз мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаларини таҳлил қилинганда, уларнинг ҳеч бирида суратга олиш тартиби ва шартларининг тавсифи баён қилинмаганлиги, баённома матнида айнан нима суратга олингани, қандай қилиб, жами нечта фотосурат олингани кўрсатиб ўтилмагани ойдинлашди. Айни вақтда амалиётда баённоманинг якуний қисмида оддийгина қилиб кўздан кечириш давомида фотосуратга олингани ёки видеоёзувга қайд қилингани кўрсатиб ўтилади холос. Бу терговчи ёки мутахассисга фотосуратлар жадвалини тузаётганда, кўпинча айблов версиясига зид бўлган маълумотларни ўз ичига олган «кўшимча» фотосуратлардан воз кечишга имкон беради.

Кўп ҳолларда терговчи ҳам, эксперт-криминалист ҳам фотосуратга расман, "бор ва яхши" тамойилига кўра муносабатда бўлишади. Натижада, ҳодиса жойининг фотосуратларида кейинчалик терговчи ҳодиса иштирокчиларининг кўрсатмаларини олиш ва текширишда фойдаланиши мумкин бўлган ҳодиса жойидаги вазиятнинг ҳақиқий элементлари кўрсатилмасдан қолиб кетади. Шу билан бирга, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар (айбланувчилар) кўрсатувлари ўртасида мазмунли алоқани ўрнатиш учун ишлатилиши мумкин бўлган муҳим далил маълумотларининг катта миқдори йўқолади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тавсияларимиз тергов органлари амалиётида уй-жойда содир этиладиган ўғрилиқ бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни тўғри ташкил этилишига, шунингдек, ушбу тергов ҳаракати юзасидан олинган далиллардан мазкур турдаги жиноятларни "иссиқ изи"дан фойдаланилишига самарали фойдаланилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А.Й, Мирзаев А.М., Мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказишнинг аҳамияти// ПЕДАГОГИКА И ПСИХОЛОГИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 11.
2. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://nrm.uz/contentf> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 18.07.2023).
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВдан олинган таҳлилий маълумотнома



4. Звирбуль А.К. Расследование краж, грабежей и разбойных нападений. – М., 2003. – С.52

5. Платёнкин А.В. Проблемы, возникающие при осмотре места происшествия // Вопросы современной науки и практики. – 2015. – № 1. – С. 13.

6. Безлепкин Б.Т. Настольная книга следователя и дознавателя: Научно-практическое пособие. – Изд. 2-е. – М.: Проспект, 2012. – С. 176.

7. Ищенко Е.П. Криминалистика: Учебник. – М.: ИНФРА-М., 2010. – С. 323.